Бутун дунёдаги хурриятчилар орасида бир сўз бор: «Хуррият берилмас, олинур. Хеч нарса ила олуб бўлмас, факат кон ва курбон илагина олуб бўлур». Мана бу жумлалар хакикатга шул кадар мувофикдурки, хазрати Одамдан шул вактгача хеч бир давлат ва мамлакатда хурриятнинг берилгани, кон ва курбонсиз берилгани тарихларда кўрилмайдур. Балки, хар замон ва ерда хуррият берилмаган, олинган хам кўп кон ва курбонлар баробаринагина олинган. Бизнинг Руссияда хам хозирги хуррият 1772 йил (Пугачёв ихтилоли) дан давом этуб келган тортишувлар, тўкилган конлар, берилган курбонлар баробаринагина олинди. Ушбу 145 йил ичинда Русияда хуррият учун мингларча олимларнинг баданлари турма ва зиндонларда чуриди. Мингларча файласуфлар кўл ва оёклари богланган холда Сибирия сахроларида умр ўтказдилар. Мингларча дохийлар азиз ватанларидан айрилиб, чет мамлакатларда кочиб юрмакка мажбур бўлдилар. Мингларча кахрамонлар кўкракларин ўкка, бўйинларин дор арконларина курбон этдилар. Мингларча гунохсиз мазлумлар ва мазлумалар ўзларининг маъсум конлари ила ер юзини лолазор этдилар. Лекин хуррият учун кўрилган шундай жабр ва жафолар, тўкилган конлар ва берилган курбонлар жаноб Хак даргохида шул кунгача кабул бўлмаган тусли хуррият йўлида кўрилган бутун плонлар емирилиб келди. Хурриятчиларни тутмок, камамок, осмок, кесмок хозиргача давом этди.

Бутун Русияда хуррият учун килинган саъй ва харакат, тўкилган кон ва берилган курбонларга энг оз кўшилгон ва хуррият йўлида энг оз зарар кўрган бир миллат бор эса, ул хам ёлгиз Туркистон мусулмонлари эди.

Эски хукуматнинг 1916 йил 25 июн фармони хоинона ва золимонаси (Туркистонда харбий мардикор олмок фармони) Туркистон мусулмонларининг хам кўзларин очуб, билмажбур хурриятчилар каторина киритди. Зотан, аввал фармон шундай хикматсиз, мантиксиз ва нодонлик ила берилгон эдики, телегромни ўкигон хар бир киши хеч ўйламасдан: «Бу фармон Туркистон мусулмонларини хукуматга карши оёкландуруб, кирмак ва ерларини кочокларга бермак учун махсус чикорилгон интибохнома», — деб хукм килмокка мажбур эди. Чунки аввал фармонда на халкни хозирламок йўллари бор ва на мардикорликни неча ададлиги бор ва на мухлат бор? Факат «Фронт оркасидаги хизматлар учун Туркистон, Сибирия ва Кофкоз инонародецларидан 19 дан 31 ёшгача бўлган эр кишиларни чакираман», деган кискача сўздан иборат бўлган ул фармоннинг хозиргача аскарий хизмат хаёлларина хам келмаган бир халк орасида кандай хаяжон тугдирмоги ишлар бошидаги кишиларга, албатта, маълум бўлса керак эди. Тўсатдан чикарилгон бундай огир фармон ёлгиз инсонларнигина эмас, хайвонларни харакатга, каршуликка мажбур этмоги табиий эди. Шуни билиб туриб аввал фармонни истисносиз, шархсиз, плонсиз бутун Русияга нашр этдилар. Хам амалий суратда халкка хеч бир тушунтирмасдан, ишга киришдилар. Ишнинг хакикатини билмокучун махкамаларга борган гунохсиз мусулмонларни отдилар, тутдилар, алхосил, Туркистоннинг золим маъмурлари маълум 1916 йил июл фожиасини кўлдан ясаб майдонга чикардилар.

Бу фожиада Тошкандда Калкин, Колесников ва Мочаловлар, Жиззахда Ивановлар, Семиречинский вилоятида, билмайман, тагин кимлар шул кадар «кахрамонлик» кўрсатдиларки, уйдаги хотун-киз, бешикдаги болалар, хеч нарса кўлидан келмайдургон чол ва кампирлар, тилсиз хайвонлар, жонсиз иморатлар ва моллар хеч бири истисносиз суратда отилди, кесилди, ёкилди, ёндурилди.

Факат, баракат берсунга баъзи кишиларнинг саъй-харакатлари соясида Туркистонга генерал Куропаткин, Тевкелев ва Керенскийлар келуб, ишнинг бир оз олдини тўсдилар. Аввалги юкорида исмлари ёзилгон «кахрамон»лар шул кадар газабга мингон эдиларки, мусулмонларнинг гўштларин кабоб килиб емак ул «кахрамонлар»нинг ошкора ва раъдзабонлари ўлмиш эди. Агарда яна бир ой булар ўз холларина кўйилганда, эхтимолки, Туркистоннинг кўп шахар ва кишлоклари хозирда кишисиз, бўш харобазорлардангина иборат бўлиб коларди.

Алхосил, Туркистон мусулмонлари зулм панжасининг остида шул кадар эзилдилар ва хуррият, хукук йўлида шул кадар кўп курбон бердиларки, бир-икки ой ичида бошка миллатларнинг 145 йил ичида берган курбонларига кувлаб етишдилар.

Мана бу курбонлар жаноб Хак даргохида энг макбул курбонлар бўлди. Чунки бу шахидларнинг отилгон, кесилгон, осилгонда тўкилгон ва мазлумларнинг кўзлариндан оккан ёшлари хануз куримагон, хукуматга каршулик тухмат ила зиндонларга солингон мингларча мусулмонларнинг судлари хануз тамом бўлмагон, военний судларнинг адолатсиз хукмлари ила осилгон шахидларнинг баданлари хануз чурумагон эдики, жанобиХак бу зулм ва истибдодларнинг амирларидан тортиб, маъмурларигача, шохларидан тортиб, коровулларигача ер билан яксон килди.

145 йилдан бери тортишиб келгон хуррият кахрамонлари ишчилар ва аскарлар ила баробар Туркистон мусулмонларини хам онларнинг вахшиёна зулм ва жабрларидан куткариб, Хуррият, Мусовот ва Адолат замонлар яна бита кўрди: «макбул курбонлар».

*«Нажот» газетаси, 1917 йил, 26 март*